
Фурқат туманидаги болалар ва мусиқа мактабида "Байрамингиз муборак, азиз устозлар" номли концерт дастури ўтказилди

Кун кеча Фурқат тумани 12-сонли болалар ва мусиқа мактабида 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кун муносабати билан "Байрамингиз муборак, азиз устозлар" номли концерт дастури бўлиб ўтди.

Туман ҳокимлиги, ички ишлар бўлими, миллик тикланиш демократик партиясининг ташаббуси билан ташкил этилган байрам тадбирига таълим-тарбия тизимида фаоллик кўрсатаётган ўқитувчи ва мураббийлар, соҳанинг бир гуруҳ фидоийлари таклиф этилди.

Тадбирда маданият ва санъатга ҳисса қўшиб келаётган ушбу муассасанинг барча устозлари туман ҳокимлигининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

2022-10-03 09:21:00